Эшонқулов Ғолибжон Тўрақулович – ассистент
Бухоро давлат тиббиёт институти (Бухоро, Ўзбекистон)

ЭРТА ЁШЛИ БОЛАЛАРДА ТИШ-ЖАҒ АНОМАЛИЯЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ ПРОФИЛАКТИК КЎРИК НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Аннотация, *ушбу мақолада эрта мактаб ёши ва мактаб ёшидаги болалар орасида тиш-жағ аномалияларини эрта ташҳислаш ва комплекс даволаш усулларини ишлаб чиқиш, ортодонтик бемор болаларни даволашда стабил эстетик натижани олиш ва рецидивлар сонини камайтириш бўйича самарали ишлар олиб борилган. Шунга қарамасдан ташҳислашнинг мавжуд усуллари етарли бўлмай, ташҳислаш ҳамда даволашнинг қўшимча усулларига бўлган қатъий заруратни юзага келтиради.*

Калит сўзлар: *тиш-жағ аномалиялар, эрта ташҳислаш, комплекс даволаш, ортодонтик бемор болаларни даволашда, стабил эстетик натижалар, рецидивлар сони.*

Эшонқулов Ғолибжон Тўрақулович – ассистент
Бухарский государственный медицинский институт (Бухара, Узбекистан)

КРИТЕРИИ ОЦЕНКИ РЕЗУЛЬТАТОВ ПРОФИЛАКТИЧЕСКОГО ОБСЛЕДОВАНИЯ НА ПРЕДМЕТ РАСПРОСТРАНЕНИЯ ЗУБОЧЕЛЮСТНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ У ДЕТЕЙ РАННЕГО ВОЗРАСТА

Аннотация, *в данной статье была проведена эффективная работа по развитию ранней диагностики и комплексного лечения зубочелюстных заболеваний у детей младшего школьного возраста, получению стабильного эстетического результата при лечении ортодонтически больных детей и снижению количества рецидивов. Тем не менее, существующие методы диагностики недостаточны, что создает острую потребность в дополнительных методах диагностики и лечения.*

Ключевые слова*: зубочелюстные заболевания, ранняя диагностика, комплексное лечение, лечение детей у ортодонтических пациентов, стабильные эстетические результаты, количество рецидивов.*

Eshonqulov G'olibjon To'raqulovich – assistant
Buxoro davlat tibbiyot institute (Buxoro, O‘zbekiston)

CRITERIA FOR EVALUATING THE RESULTS OF A PREVENTIVE EXAMINATION FOR THE SPREAD OF DENTAL DISEASES IN YOUNG CHILDREN

Abstract: *in this article, effective work has been carried out to develop early diagnosis and comprehensive treatment of dental diseases in children of primary school age, to obtain stable aesthetic results in the treatment of orthodontically ill children and to reduce the number of relapses. However, the existing diagnostic methods are insufficient, which creates an urgent need for additional diagnostic and treatment methods.*

Key words: *dental diseases, early diagnosis, comprehensive treatment, treatment of children in orthodontic patients, stable aesthetic results, the number of relapses.*

Тадқиқотнинг долзарблиги. Жахон миқёсида, эрта мактаб ёши ва мактаб ёшидаги болалар орасида тиш-жағ аномалияларини эрта ташҳислаш ва комплекс даволаш усулларини ишлаб чиқиш, ортодонтик бемор болаларни даволашда стабил эстетик натижани олиш ва рецидивлар сонини камайтириш бўйича самарали ишлар олиб борилган. Шунга қарамасдан ташҳислашнинг мавжуд усуллари етарли бўлмай, ташҳислаш ҳамда даволашнинг қўшимча усулларига бўлган қатъий заруратни юзага келтиради. Шу жиҳатдан эрта мактаб ёши ва мактаб ёшидаги болаларда ортодонтик ёрдам кўрсатишнинг сифат кўрсаткичларини оширишга йўналтирилган ташҳислаш ва даволаш тадбирларини ишлаб чиқиш ортодонтик стоматология амалиётида муҳим аҳамият касб этмоқда [1.3.5.7 .9.11.13.15].

Тадқиқотнинг мақсади. эрта ёшли болаларда тиш-жағ аномалияларининг тарқалиши профилактик кўрик натижаларини баҳолаш мезонларини ўрганиш.


Натижа ва таҳлиллар. Мамлакатимизда бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш, уни ташкил этиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда, жумладан эрта мактаб ёши ва мактаб ёшидаги болаларда ортодонтик ёрдам кўрсатишни тубдан такомиллаштириш, болалардаги юз-жағ аномалияларини эрта ташҳислаш ва уни асоратланган деформацияларга ўтишининг олдини олиш бўйича асосли натижалар олинган. Стоматологик кўрикни стандарт стоматологик жамланма билан олиб бордик. Ёш гурухларига қараб болалардаги мавжуд сут тишлар ва доимий тишлар сони, холати, чиқиш муддатларига қараб бахоланди. Кариеснинг интенсивлик даражасини “кп” ва “КПУ” бўйича, гигиеник индексни Грин – Вермилион усулида аниқладик. Шунингдек, тишлар аномалия холатини, тиш – ёй қатори

холати, унда тишларнинг жойлашиши, жағ хажми ва симметриклиги холати, тиш ёй қаторларининг олд ва ён томонлама сагитал, трансверзал ва вертикал йўналишларда окклюзион мутаносиблигига ахамият қаратдик. Бундан ташқари лаб ва тил юганчалари бирикиши холати ва бола талаффузи, мимик мушакларнинг намоён бўлишини бахоладик. Болалардан олинган барча маълумотлар уларнинг карталарига ва биз томондан тузилган индивидуал карталарга қайд этилди [2.4.6.8.10.12.14.16]. Тиш - ёй қатори ва жағлар холатига бахо беришда БЖСС таснифидан фойдаландик.



1-расм. **Мактабгача ёшдаги болалар орасида тиш-жағ патологиялари тузилиши**

Биз томондан олиб борилган ўрганишлар натижаси шуни кўрсатадики, эрта ёшли болалар орасида тиш – ёй қатори ва тизими аномалиялари орасида энг биринчи ўринда тиш ёйида тишлар холатининг ўзгариши, кейинги ўринда трема, диастемалар ва тишларнинг ёйда қисилиб қолиши кабилар кузатилди. Тишлов патологиялари орасида эса кўпроқ дистал оклюзия, мезиал оклюзия, вертикал устунликдаги тишлов, горизонтал устунликдаги тишлов, шунингдек чуқур тишловлар кузатилди.



2-расм. **Ўрганилган болаларни турар-жойига кўра тақсимланиши**

Улардан 37 % шахар шароитида яшайдиган, 63 % эса қишлоқ шароитида яшайдиган болалар эди. Ёш, жинс ва турар жойига кўра биринчи кўрик материаллари таҳлили 3-9 ёшдаги 552 нафар бола қиз болалардан кўп бўлиб, ўғил болаларни ташкил этди (51,7%), шунингдек ўрганилган болаларнинг 638 нафари қишлоқ шароитида яшайдиган болалар эди (72,3%).

Болаларда профилактик кўрик вақтида биз: зарарли одатларнинг бор ёки йўқлиги, юз симметриклигига, юзнинг ўрта ва пастки қисмидаги пропорцианаллик, ортодонтга муолажа олганми йўқми шу жихатларига кўпроқ эътибор қаратдик. Чайнов функцияларини хам оклюзиография ёрдамида аниқлаб бахо бердик. Бундан ташқари оғиз дахлиз қисмининг чуқурлиги, лаб ва тил камарчаларининг бирикиши хам мухим эди.



3-расм. **Эрта ёшли болаларда олиб борилган профилактик кўрикнинг жинс бўйича тақсимланиши**

Болалар орасида олиб борилган профилактик кўрикда ўғил болалар 48.3 % ни, қиз болалар эса 51.7 % ни ташкил қилди. Олинган натижалар мазкур болалар контингентининг оғиз бўшлиғи гигиеник холатининг ёмонлиги билан болалар ота-оналарининг стоматологик касалликлар хақидаги маълумотлардан кам хабардорлиги орасида боғлиқлик борлигини хам кўрсатди. Биз томондан ишлаб чиқилган “Эрта ёшли болаларда тиш-жағ тизими касалликларини бахолаш” саволномаси (DGU 08774) орқали болаларнинг стоматологик холатига бахо берилди. Клиник текшириш эса болани юз ташқи кўринишидан бошланиб, оғиз бўшлиғи холати, боланинг ўзи ва ота – оналари билан олиб борилган сухбат ва мавжуд зарарли одатлар хақидаги йиғилган маълумотлар асосий бўлиб хисобланди.

Биз олиб борган тадқиқот ишимизда болалар орасида тиш – ёй қатори аномалияларининг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва бахолаш учун ота-оналардан сўровнома олдик. Стоматологик кўрик натижаларини сўровнома маълумотлари билан солиштирдик. Шунингдек, биз томондан тиш – ёй қатори ва жағ тизими шаклланишига бевосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган антенатал ва постнатал омилларга хам ахамият қаратдик. Биз томондан олиб борилган изланишлар ва йиғилган маълумотлар натижаси шуни кўрсатдики, улардаги мавжуд зарарли одатлар ёки кариесоген факторлар қуйидагиларни ташкил қилди:



4-расм. **Ўрганилган болаларда стоматологик касалликлар хавфи омиллари**

Стоматологик касалликлари мавжуд болаларнинг ота-оналаридан сўровнома олиш вақтида болалардаги зарарли одатлар ёки кариесоген омиллар:

- қўл бармоқларини сўриш одати - 36 (9,2%)
- тил, лаб, лунж, бошқа буюмларни тишлаш одати - 47 (10,7%)
- тирноқлар, қаттий жисмларни тишлаш одати - 77 (19,4%)
- чайнаш функциясининг бузилиши (қуйи чайнаш) - 41 (12,7%)

нотўғри ютиш ва тишларга тил билан босиш одати (инфантил ютиш) - 33 (8,2%)

ухлаш вақтида лунж остига қўлни қўйиб ётиш - 3%


- оғиз орқали нафас олиш - 76 (21,3%)

уйқу олдидан ширин чой, сутли ва ширинлаштирилган шарбатларни истеъмол қилиш - 84 (18,5%) кабиларни қайд этдик. Шунингдек, уларда нафас олиш, ютиниш, талаффуз, чайнаш каби функцияларнинг қанчалик қониқарли даражада эканлигига хам ахамият қаратдик.

Мактабгача ва эрта мактаб ёшидаги болаларда тиш – ёй қатори аномалиялари ва тиш касалликларнинг ривожланишига кўп холларда сабаб бўлувчи энг кенг тарқалган фактор бўлиб уларда мавжуд бўлган зарарли одатлар ва бурундан нафас олишнинг бузилиши бўлиб хисобланди. Оғиз орқали нафас олиш зарарли кариесоген одатларга эга 106 нафар болада (27,3%) бурун ҳалқум тизими коморбид патологияси (сурункали синуситлар, аденоидит, аллергик ринит, ЎРВИ) оқибати бўлган.



5-расм. **Бола 3 ёш. А. Тилнинг нотўғри артикуляцияси; Б. В. Зарарли одатлар таъсирида шаклланган нотўгри тишлов**



6-расм. **Болаларда аниқланган коморбид касалликлар**



7-расм. **Бола 6 ёш. Юқори лаб ва тил ости калта юганчалари, унинг оқибатида патологик шаклланган доимий фронтал тиш холати**



8-расм. **Бемор 7 ёш зарарли одатлар таъсирида шаклланган очиқ тишлов (клиник мисол)**

Хулоса. Тиббий болалар картаси маълумотларига кўра (26-сонли шакл), стоматологик касалликларга эга болаларда коморбид ҳолатлар (n=463) 136 нафар (27,4%) болада ЛОР-органлари касалликлари, 44 нафар (11,8%) болада функционал диспепсиялар, 72 нафар (16,7%) бо-

лада гелминтозлар, 71 нафар (16,3%) болада темир танқислиги анемияси, 48 нафар (10,4%) болада вегетатив дисфункция синдроми ва 58 нафар (12,4%) болада рекуррент респиратор инфекциялар борлиги аниқланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Kamalova F.R., Eshonqulov G'.T. Maktabgacha yoshdagi bolalarda tish-jag' tizimidagi patologik o'zgarishlarni erta tashxislash, oldini olish va tibbiy ijtimoiy xususiyatlarini baholash // Biologiya va tibbiyot muammolari. № 3 – сон (153). 2024. 119-121. (14.00.00 № 24).
2. Eshonqulov G'.T. Functional disorders and their prevention in dental diseases // Biomeditsina va amaliyot jurnali. ISSN:2181-9904. 2024. Pages: 120-124 (14.00.00 №22).
3. Eshonqulov G'.T. Analysis of the share of scientific literature on the spread and causes of dental anomalies // Journal of Biomedical Sciences. Vol 1. № 4(2024). Page:40-44 *http//wom.semanticjournals.org/index.php/biomed* (14.00.00; № 2)
4. Eshonqulov G'.T., Narzullaev N.U. Prevention of dental anomalies and deformations in children and adolescents of the Bukhara region // New day in Medicine. №2 (34) 2021. Pages:36-39 (14.00 .00 № 24).
5. Eshonqulov G'.T., Narzullaev N.U. The condition of the dentition in children and adolescents obese.// New day in Medicine. №2 (34) 2021. pages 33-35
6. Kamalova F.R., Eshonqulov G'.T. Early diagnosis and prevention of dentoalveolar anomalies and cariogenic situation in children suffering from diabetes// European journal of molecular and clinical medicine. December 08.12.2020. Volume 07. Issue 03. – Page-2468-2472 (Scopus)
7. Kamalova F.R., Eshonqulov G'.T., Rajabov A.A Saidova M.A. The study of anomalies of maxillofacial system of children's age in the Bukhara region // An international multidisciplinary research journal. Dec-2019. Vol.9 Issue 12. - Page.63-67 (Impact factor 6,152)
8. Eshonqulov G'.T. Anomalies in the dentition of children in the Bukhara region // An international multidisciplinary research journal. May-2020. Volume 10. Issue 5, - Page. 1808-1810. (Impact factor 7,13)
9. Kamalova F.R., Eshonqulov G'.T Turaeva F.N., Afakova M.Sh., Eronov Y.K. The dynamics of the prevalence of diabetes and the study of dental status in children of the Bukhara region // Asian journal multidimensional research. Nov-2019 Volume: 8 Issue: 11. India. - Page.95-100. (Impact factor 6,053)
10. Eshonqulov G'.T. Criteria for evaluation of early diagnosis of tooth-jaw system anomalies // The pharma innovation journal Volume: 9 Issue: 6. India.June-2020.-Page.595-596. (Impact factor 5.98)
11. Kamalova F.R., Eshonqulov G'.T., Turaeva F.N.,Afakova M.Sh., Eronov Y.K. The study of the prevalence of anomalies of the dentition in the Bukhara region, their early diagnosis and treatment // An international multidisciplinary research journal. Volume:10 Issue:1. India.Jan-2020 Page.151-154. (Impact factor 7.13)
12. Eshonqulov G'.T Anomaly of the dentoalveolar system of childhood in the Bukhara region.// Актуалные вызовы современной науки Сборник научных трудов Выпуск 4 (48) Част 1Пе реяслав 2020
13. Eshonqulov G'.T. Anomalies of the dental system of children // Bukhara state medical institute Department of Pediatric Dentistry "Actual problems of children's dentistry" scientific practical Conference 22.05.2020
14. Kamalova F.R., Eshonqulov G'.T. Maktabgacha yoshdagi bolalarda tish-jag' tizimidagi patologik o'zgarishlarni erta tashxislash, oldini olish va tibbiy ijtimoiy xususiyatlarini baholash // - Бухоро, 2024. 18 бет. Услубий тавсиянома.
15. Kamalova F.R., Eshonqulov G'.T. Erta yoshdagi bolalarda tish-jag' tizimi anomaliyalari va deformatsiyalarini tekshirish usuli va davolash algoritmi // - Бухоро, 2024. 17 бет. Услубий тавсияном а
16. Kamalova F.R., Eshonqulov G'.T. Buxoro viloyatida tish jag' sistemasi anomaliyalarini tarqalishini o'rganish va uni erta tashxislash va davolash. Guvohnoma № DGU 05.06.2020